## Эҳтиром

Бугунги ўзбек адабиёти ҳақида гап кетганда, таниқли адиб Мақсуд Қориевни эсламаслик мумкин эмас. Зеро, у ўзининг сержило ижоди билан китобхонлар қалбини забт эта олган ёзувчилардан. Унинг уч тарихий романи, қатор лирик қиссалари, публицистик асарлари ва ҳикоялари ўзбек адабиёти хазинасига муносиб ҳисса бўлиб қўшилган.



# ИЖОДИЙ ЗАҲМАТ РОҲАТИ

Айниқса, «Ойдин кечалар»да тўлин ой янглиғ порлаган беғубор илк севги, унинг эҳтиросли туғёнлари-ю изтиробли тўлғоқлари, оҳанглари, мавжлари ҳамда руҳий товланишлари бадиий кашф этилганлиги, самимийлиги билан кўнгиллардан жой олди. Кейинчалик ушбу асар қаторига «Қиз узатиб борганда», «Жийда гуллаганда», «Турналар баланд учади» каби қиссалар келиб қўшилдики, улар ёзувчининг йиллар давомидаги заҳматли, ниҳоятда машаққатли меҳнатининг маҳсулидир. Улардаги мафтункор сиймолар ҳаётдан олинган бўлиб, ўзининг жозибадорлиги билан китобхонлар меҳрига сазовор бўлди.

Ҳаётдаги соялар ва иллатлар қанчалик барвақт тугатилса, умр борган сари гўзаллашиб, одамлар бирибирига меҳрибон бўла боради. Шундайлар ҳам борки, амалдалигингда сажда қилишади, дунёдан кўз юмишинг билан унутишади. Кичик ҳикоялардан романларгача бўлган йўлни сабр-тоқат билан босиб ўтган адибнинг «Имон» номли ҳикоясида шу ҳақда фикр юритилади. Аслида ҳикоядаги ҳодисалар бадиий тўқимадан кўра адиб ўзи бот-бот кузатган ҳаётий далилларга яқинроқ. Тасаввур қилинг: юрт улуғларидан бирининг дафн маросими. Тириклигида ундан марҳамат кўрган яқинлари унинг жасади совиб улгурмасидан ўзларининг асл башараларини ошкор этадилар. Разиллик, хоинлик, тубанлик, аблаҳлик, уларнинг хатти-ҳаракатларидан ошкора сезилиб туради. Ижодкор бундай манқуртлар учун ҳаётий маслак манфаат, худбинлик ва тубанлик эканлигини усталик билан фош этади. Мазкур иллатларнинг наслда ҳамон учраётганлиги эса ташвишланарли. Юртбошимиз куюнчаклик билан уқтираётганидек, ёниб яшаганимиздагина жамиятни покизалаштирганга хизмат қилган бўламиз. Шу сабабли ҳам кичиккина ҳикоянинг ижтимоий юки салмоқли.

Озодлик — инсониятнинг ширин орзуси. Ўтмишда эрк деб, озодлик деб жон фидо қилган аждодларимиз қисмати бунинг яққол исботидир. Адибнинг тарихий романи — «Спитамен»нинг бош мавзусини миллий озодлик ҳаракати ташкил этган. Асосан замонавий мавзуларда қалам тебратиб келган ижодкорнинг тарихий мавзуга қўл уриши даврнинг ижтимоий-маънавий эҳтиёжи билан боғлиқ. Халқимиз демократик қайта қуриш, ошкоралик жараёнлари ўлароқ, ўз миллий-маънавий камолотининг шундай босқичига эришдики, бу босқич бевосита ўзликни англаш, тарихий хотирани тиклаш, биз киммиз, ким бўлганмиз, ким бўлмоқчимиз? деган саволларга бадиий воситалар билан ҳам жавоб беришни тақозо этди. Уч минг йиллик миллий давлатчилигимиз тарихидаги миллий озодлик ҳаракатлари, Спитамен сингари қаҳрамонлар тақдири, цивилизациялар ичра цивилизация яратган буюк аждодларимиз, давлат арбоблари образини яратиш табиий талаб тусини олди. «Спитамен», кейинчалик «Ибн Сино» ва куни кеча — муаллифининг 80 йиллиги арафасида нашрдан чиққан «Маҳмуд Ғазнавий» тарихий романлари ана шу талабнинг ижодий маҳсули бўлди. Адиб сўнгги романи устида узоқ йиллар ишлаши натижасида Ғазнавийлар даврига оид турли тилларда мавжуд бўлган деярли барча илмий, тарихий, бадиий манбаларни синчковлик билан ўрганиши натижасида қатор бадиий асарларда шу кунгача устувор бўлган нотўғри қараш — Ғазнавий билан Фирдавсий ўртасида душманлик бўлган, деган уйдирмага аниқлик киритди. Тарихий далилларнинг гувоҳлик беришига қараганда, Фирдавсий «Шоҳнома»ни тугатиб, подшоҳга инъом этганида, Ғазнавий уни муборакбод этиб, сийлаган экан.

Ёзувчи ижодни раҳбарлик билан қўшиб олиб борди. Бир неча йиллар мобайнида республиканинг бош газетасига муҳаррирлик қилиш, катта жамоани бошқариш, бунга қўшимча равишда ижод билан шуғулланиш айтишгагина осон, холос.

— Мақсуд акам билан ишлаган йилларим кўнглимда муҳрланиб қолган, — дейди журналист Юнус Зиёдов. — Кези келганда қаттиққўлу талабчан, кези келганда меҳрибонлик билан ҳол сўраш одатлари эди. Ўша пайтларда газета чиқариш ниҳоятда оғир бўлиб, матнлар аввал ёзув машинкасида, сўнгра цехда қўрғошинда терилар, иш баъзан тонготаргача чўзилиб кетарди. Бош муҳарриримиз сира эринмасдан саҳифага қўйилган мақола ва суратларни кўздан кечирар, эринмасдан ўқиб чиқар, ора-орада биздан хабар олиб, дерди: газета иши шунақа бўлади. Ҳозирда ҳам пенсияда бўлишларига қарамай, ижоддан тўхтагани йўқ. Ҳафтада бир таҳририятга келиб, бизга маслаҳат ва йўл-йўриқлар бериб туради. Ўзимиз ҳам бунга жуда ўрганиб қолганмиз. Мабодо келмай қолсалар, устозни дараклашга тушамиз.

Халқимизда яхши одам боғ яратади, деган гап бор. Агар таъбир жоиз бўлса, Мақсуд Қориев ўзига яраша боғ барпо этди, деб айтишимиз мумкин. Бу боғ унинг асарларидир. Бир сўз билан айтганда, адабиётда унинг ўз ўрни бор.

**Мурод ШАРИФХЎЖАЕВ, академик.**
**Нарзулла ШОДИЕВ, профессор.**

## Маъмун академиясининг 1000 йиллигига

Ўзбекистон Бадиий академиясининг Қорақалпоғистон бўлими кўргазмалар залида Оролбўйида яшаб ижод қилаётган мўйқалам усталарининг Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигига бағишланган асарлари намойиши бошланди.

# ОРОЛБЎЙИ РАССОМЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

Ундан хоразмлик ва қорақалпоғистонлик таниқли мусаввирларнинг Ватанимиз тарихи, аждодларимизнинг бой маънавий мероси, умрбоқий қадриятларимизни ўзида акс эттирган ижод намуналари ўрин олган.

Кўргазманинг очилишида давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан қадимий тарихимизни ҳар томонлама чуқур тадқиқ этиш, ёш авлодни миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат, ватанга садоқат, миллий истиқлол ғояларига муҳаббат руҳида тарбиялаш, санъат ва маданиятимизни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Ана шундай улкан эътибор ва ғамхўрлик самараси ўлароқ инсоният тарихидаги энг қадимий илм масканларидан бири – Маъмун академияси қайта тикланди ва бу йил унинг 1000 йиллик юбилейи кенг нишонланмоқда.

Кўргазмадан Оролбўйи рассомларининг турли йилларда яратилган ўнлаб асарлари жой олган.

**А.ОРТИҚБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

## Спорт

**Сиз суратда кўриб турган қиз Урганч Олимпия заҳиралари коллежида таҳсил олади.**
**Лейла Бобожоновага бугун кўпчилик тенгдошлари ҳавас билан қарашади. Боиси, у ўн саккиз ёшида самбо кураши бўйича Осиё чемпиони бўлди.**



# ЛЕЙЛАНИНГ ОРЗУСИ

Яқинда Жанубий Кореяда якунланган Осиё чемпионатида кумуш медаль совриндори бўлди ва АҚШда бўладиган жаҳон чемпионати йўлланмаси билан тақдирланди. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Лейла ўзбек кураши бўйича Ўзбекистон чемпионлигини ҳам қўлга киритган.

— Спортнинг якка кураш тури билан шуғулланиш қиз бола учун қийин эмасми? — сўраймиз Лейладан.

— Албатта, қийинчиликлари бор, лекин мусобақаларда муваффақият қозонганингда барчаси унут бўлиб кетади, — дейди Лейла. — Мен мамлакат ва қитъа чемпионлигини қўлга киритдим. Эндиги асосий мақсадим жаҳон чемпионатларида ҳам муваффақиятли қатнашиб, Олимпиада йўлланмасига эга бўлиш. Бунинг учун бор имкониятимни ишга солиб ҳаракат қиламан.

**О. РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Шахмат бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон чемпионати муросасиз курашларга бой бўлди. Унда қатнашчилар нафақат ғолиблик, балки жаҳон ва Осиё чемпионати йўлланмаси учун ҳам баҳс юритдилар.

# ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА ЙЎЛЛАНМА



Чемпионатнинг тўққизинчи турида бухоролик Махсум Бозоров билан дуранг ўйнаган самарқандлик Жўрабек Ҳамроқулов 7 очко жамғариб, шоҳсупанинг юқори поғонасидан жой олди.

Уч нафар шахматчи бир хил (6,5) очко тўплаганлиги сабабли иккинчи, тўртинчи ўрин эгаларини аниқлаш анча қийин кечди. Ўзаро ўйинлар натижасига қараб, ўринлар қуйидагича белгиланди: Соҳиб Жўраев (Самарқанд), Махсум Бозоров (Бухоро), Александр Касян (Тошкент).

Энди Жўрабек Ҳамроқулов жаҳон чемпионатида юртимиз шарафини ҳимоя қилади. Соҳиб Жўраев эса Осиё чемпионати йўлланмасига эга бўлди.

Қизлар ўртасида бўлиб ўтган чемпионатда жиззахлик Юлдуз Ҳамроқулова 9 имкониятдан 7,5 очко тўплаб, ғолибликни қўлга киритди. Ундан ярим очко ортда қолган қашқадарёлик шахматчи Умида Чоршанбиевага иккинчи ўрин насиб этди. Юлдуз жаҳон, Умида эса Осиё чемпионати йўлланмасини қўлга киритди.

# Фарид Усмонов Артём Клименкога қарши

Келаётган шанба куни Санкт-Петербург шаҳрида профессионал армрестлинг ассоциацияси (IPAA) шафеълигида бир неча мусобақалар ўтказилади. Унда ҳамюртимиз, оғир вазнли армрестлингчилар ўртасида Осиё қитъасининг мутлақ чемпиони Фарид Усмонов ва россиялик таниқли спортчи Артём Клименко ўзаро беллашадилар. Ғолиб Трэвис Бэджит (АҚШ)га қарши чемпионлик беллашувида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлади.

Эслатиб ўтамиз, Фарид Усмонов ўтган йили ҳаваскор армрестлингчилар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида ҳам ўз вазн тоифасида (110 килограмм) олтин медаль соҳиби бўлган эди.

# Анастасиянинг навбатдаги ғалабаси

Ҳамюртимиз Анастасия Журавлева яқинда Грецияда енгил атлетика бўйича ўтказилган Гран-при туркумига кирувчи «Olimpic Meetihg» турнирида олтин медални қўлга киритган эди.

Хельсинкида халқаро енгил атлетика федерацияси ташаббуси билан ташкиллаштирилган мусобақада ҳам Анастасия муваффақиятли қатнашиб, бронза медали билан тақдирланди.



**З. ЖОНИБЕКОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


«МЕДИОФАРМ»
ФАРМАЦЕВТИКА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ
*Сизларга соғлиқ-саломатлик тилаймиз!*
Истагимиз – ҳеч қачон бизнинг дори-дармонларимизга муҳтожлик сезманг.









ЎЗБЕКИСТОНДА ЯГОНА ТИББИЙ ДИАГНОСТИК ТЕКШИРУВИ
64-КЕСИМЛИ МУЛЬТИСПИРАЛ КОМПЬЮТЕР ТОМОГРАФИ
1- МАРКАЗИЙ КЛИНИК ШИФОХОНА КОМПЬЮТЕР ТОМОГРАФИЯ БЎЛИМИ
*мультиспирал компьютер томография текширувларини таклиф қилади:*

- ички аъзо ва тизимлар текшируви;
- переферик томирлар текшируви;*
- юрак ва юрак-қон томирлар текшируви;*
- юрак ишемия касаллигининг келиб чиқиш хавфи даражасини аниқлаш;
- бош мия қон билан таъминланиши (перфузия) текшируви;*
- суякнинг минерал таркибини аниқлаш (остеопороз);
- йўғон ичак текшируви (виртуал колоноскопия).

* Контраст моддаси билан.




1- Марказий клиник шифохона, қабулхона телефони: 64-84-00. МКТ бўлими (6-бино) Телефон: 161-07-82.


«Ўзулгуржисавдоинвест» уюшмаси жамоаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган савдо ходими, соҳа фахрийси
**Рустам Юсупович ЎРОЗБОЕВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

ОАЖ «Интер-транс-сервис» қўшма корхонаси маъмурияти, касаба уюшмаси Жамият кузатув кенгашининг раиси Бўстон Эргашевга укаси
**ТОЛИБЖОНнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент архитектура қурилиш институти жамоаси Қурилишни бошқариш факультети декани муовини Исламбек Давлетовга отаси
**Халик ДАВЛЕТОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси жамоаси «O'zbekiston» телерадиоканали» давлат унитар корхонаси Маданий-маърифий эшиттиришлар муҳарририяти бош муҳаррири Ҳазрат Шодиёровга волидаи муҳтарамаси
**Момогул ҲАЗРАТҚУЛОВАнинг**
вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

«RTPF TIJORAT» очиқ акциядорлик жамияти жамоаси жамиятнинг собиқ раҳбари
**Рустам Юсупович ЎРОЗБОЕВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 1057. 20700 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;*
*Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева.
Навбатчи — А. Самадов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.40 Топширилди — 21.40 23456